



«11» май 2020 йил

№ 1252/5

Ҳазорасп тумани ҳудудидан фуқаро  
Kurambayeva Intizor Ibrayimovnaга  
“Кооператив” ташкил этиш учун ер майдони  
ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2019 йил 16 октябрдаги 23690-хх ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 октябрдаги 02/13392-сонли топшириқлари ижроси юзасидан, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига йўллаган маълумотларини ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги “қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер майдонларини ажратиш масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссия”си хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 53-моддаси ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2019 йил 16 октябрдаги 23690-хх ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 октябрдаги 02/13392-сонли топшириқлари ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги “қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер майдонларини ажратиш масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссия”си хулосаси ижро учун қабул қилинсин.

2. Ҳазорасп тумани Янгибозор қишлоғи ҳудудидан фуқаро Kurambayeva Intizor Ibrayimovnaга “Кооператив” ташкил қилиш учун Янгибозор қишлоғи қишлоқ хўжалик харитасининг №59, 60, 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67, 72, 73, 74,75, чорвадор 76, 1440, 1441, 1442, 1454, 1455, 1456, 1457, 1458, 1459, 1460, 1461, 1462, 1463, 1467, 1468 ҳамда 1470-контурларидаги жами 52,5 гектар (шундан суғориладиган экин ери 44,3 гектар, боғ 2,9 гектар, бўз ерлар 2,8 гектар, ариқ ва зовурлар 3,0 гектар, йўл ва увватлар 0,7 гектар, қурилиш 0,2 гектар ва бошқа ерлар 1,0 гектар) бўлган ер майдонлари Кооперация ташкил қилиш учун 49 йил муддатга ижарага берилсин.

3. “Кооперация” раҳбари I.Kurambayeva, туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори в.б (Т.Курёзов) билан биргаликда 2020 йил 5 мартдаги 4-20 сонли Ҳазорасп туман Халқ депутатлари Кенгаши сессиясида тасдиқланган Манзилли режага асосан доимий иш жойига эга

бўлмаган ёшларни “Ҳар бир ёшга – бир гектар” лойиҳаси доирасида иловадаги рўйхатда кўрсатилган ёшларни жалб қилган ҳолда уларнинг бандлигини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

4. Туман давлат хизматлари маркази директори (Б.Рўзметов)га, Кооперацияни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш вазифаси топширилсин.

5. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Ф.Сабилов)га, туман ҳокими қарори қабул қилингандан кейин ажратилган ер участкасини белгиланган тартибда жойни ўзида (натурада) белгилаб бериш, далолатнома асосида топшириш ҳамда Кооперация билан туман ҳокими ўртасида тузиладиган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси топширилсин.


6. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори в.б (Т.Курёзов)га тумандаги иш билан банд бўлмаган фуқароларни аниқлаб кооператив аъзолигига жалб қилиш ҳамда кооперативга кираётган ишсиз фуқароларга Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан субсидия ажратилишини таъминлаш вазифаси топширилсин.

7. Кооперация раҳбари I.Kurambayevaга Кооперацияни ташкил қилиш учун ер майдони ажратилиши муносабати билан ҳар бир кооператив аъзосига ер майдони ажратилишини таъминлаш, банк, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан шартномалар тузиш вазифаси юклатилсин.

8. Ушбу қарор тасдиғи Халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясидан ва вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

9. Мазкур қарорни ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари F.Мадиёров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



У.Машарипов